

Ушбу сонда:

2

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

3

Бор бўл, оқибат! НУРОНИЙЛАР РАҲМАТ ДЕЙШМОҚДА

4

Буюк аждодларимиз ШОҲЛАР ДАРВЕШИ-Ю, ДАРВЕШЛАР ШОҲИ



ИШОНЧИ


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 28 ноябр, жума № 184 (1609)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ Бухорода улуғ аллома Абдулхолик Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди

Ўтган ўн икки йилнинг ҳар бир куни эсда қоларли. Биз бу кунларни узоқ кутдик. Изириблар оралаб, узоқ йўл юриб етганмиз бу кунларга. Ризонинг боши сабр экан. Истиклол сабримизни саодатга улади. Шу боис нафақат биз хурсандмиз, айна чокда истиқлолни орау қилган боболаримизнинг руҳи ҳам шод. Юртбошимизнинг миллат ўтмишига юксак эҳтиром, келажига қатъий ишончи сабаб ўтган 12 йилда тилимиз, асрлардан асрларга ўтиб келатган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, динимиз қайта тикланди. Муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Айниқса, буюк боболаримиз ҳаётига, уларнинг инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутган ижодий меросига катта эътибор қаратилмоқда. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотуридӣ, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломаларимизнинг тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу миллий гуруҳ ва ўзлигини уйғонганидан далолатдир. ...Ўтган йилнинг октябр ойида Президент Ислам Каримов Бухорога ташрифи чоғида Фиждувон шаҳрида ҳам бўлиб, Фиждувоний қадамжоларини зиёрат қилди. Орадан кўп ўтмай, 2002 йилнинг 4 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Хожа Абдулхолик Фиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мамлакатимизда, айниқса, Бухорода кутлуғ тўйга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши Фиждувоний ҳазратлари илмий меросини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотларга имконият яратди. Юбилей муносабати билан аллома ҳаёти ва ижодида бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди. Нақшбанд ва Фиждувоний мақбара-мажмуалари атрофида улкан бoғ барпо этилди. Фиждувондаги Улуғбек мадрасаси қайта таъмирланди. Бу ишларни бажаришда Хоразм, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларидан келган кўли гул усталар фаол қатнашди. Абдулхолик Фиждувоний ҳазратлари одамларни поклик, тўғрилиқ, ҳалолликка бошлаган. Ўз шогирдлари учун одоб-ахлоққа оид бир неча қонун-қоидалар ишлаб чиққан. Унинг бизгача етиб келган «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи тариқат», «Васиятнома», «Маслак ал-орифин», «Мақсад ас-солиқин», «Мақомоти Хожа Юсуфи Хамадоний» каби китобларида илму одоб, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, дин ва дунёвий муносабатлар тўғрисида фикр юритилган.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТГОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!
Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, хурматли меҳмонлар!
Бугун юртимизда кутлуғ Рамазон ҳайити давом этаётган муборак кун, улуғ бир айём.
Аваламбор, шу муқаддас байрам билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриқлаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилларимни ихсоз этганим. Шу табаррук кунларга эл-юртимиз эсон-омон етказгани, бизга буюк аждодларимиз руҳини шод этиш йўлида савобли ишларни қилиш насиб этгани учун Оллоҳ таолога беҳад шукроналар айтаман.
Мухтарам дўстлар!
Бугун эрталаб биз бе-назир авлиё Абдулхолик Фиждувоний қадамжосини зиёрат қилиб, ул зотга бўлган ўз хурмат-эҳтиромимизни бажо келтирдик ва ҳозир ҳам ана шу ўчмас таассурот оғушида туриб-миз.
Бу улуғ аждодимиз ша-рафига унинг она шаҳри бўлмиш Фиждувонда амал-

лағимиз.
Қадри юртдошлар!
Бугун биз мана шундай улуғ боболаримиздан яна бири бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ян-гитдан бунёд этилган қадам-жоси пойида тўпланиб ту-рибмиз.
Ушбу табаррук масканда бир йил мобайнида олиб борган кенг қўламадаги қури-лиш ва ободончилик ишларимиз натижада бу жой-нинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганига бар-чамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.
Айниқса, миллий ва замо-навий услубда яратилган гўзал бинолар, мухташам ай-вон, мовий гумбаз ва пеш-тоқлар, нақширон дарвоза ва устунлар, бир сўз билан айтганда, чинакам санъат асари бўлган бу мажмуа ҳар қандай одамни ҳайратга со-лиши шубҳасиз.
Буюк бобомизнинг юксак обрў-эътиборига муносиб тарзда, аз қўлимиз билан барпо этган бу меъморий мўъжиза тимсолида биз ав-вало замоналар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни, хал-қимиз даҳосининг боҳийли-гини кўраман десак, ҳеч қан-дай хато бўлмайди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24-26 ноябр кунлари давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди

Ўзаро ҳамкорлик истиқболларининг ўстувор йўналишларини белгилаб олиш, ҳуқуқий асос-ни кенгайтириш, жамият ва иқтисодийни ислоҳ этиш борасида тажриба алмашиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алма-шиш мақсад қилинган ушбу ташриф Ўзбеки-стон-Болгария муносабатларини сифат жиҳати-дан янги босқичга олиб чиқди. 14 ҳужжат им-золангани дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат ру-ҳидаги алоқаларнинг барқарорлиги ва давомий-лигига яна бир тасдиқ бўлди.

Ўзбекистон учун Бол-гария билан ҳамкорлик ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади. БМТ Хавфсизлик кенга-шининг нодомий аъзо-си, 2004 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкор-лик ташкилотининг раҳ-барлигини қабул қилиш ва НАТОга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиш арафасида турган бу мамлакатнинг Ўзбекистонга хайрихоҳ-лиги биз учун катта им-кониятлар эшигини оча-ди. Мамлакатлар хавф-сизлик ва барқарорлик-ни мустаҳкамлаш бора-сида ҳам бир хил фикр-да. Ўзбекистон каби Болгария ҳам ўз минта-қасида наркотик модда-лар контрабандаси йўлидаги энг катта тўсиқ саналади, халқаро ак-силтеррор коалициясини дадил қўллаб-қувватла-ган давлатлардан. Президентлар муҳока-ма этилган барча маса-лалар бўйича томонлар-нинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини таъ-кидлади. Ўзбекистон ва Болгария бир-бирини узоқ муддатли ва ишон-чи шерик деб билиши-ни қайд этди. Ислам Каримов Болгариянинг халқаро майдондаги ну-фузини кузатиб келаёт-ганини айтган бўлса, Ге-орги Парванов мамлака-тимиз раҳбари юритаёт-ган сиёсатнинг барқа-рорлигини сақлашдаги аҳамиятига юксак баҳо берди. (Давоми 2-бетда)

ва ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос ҳиссаси, дини-мизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштиратган, унинг обрўсини тўқишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишигизни истар-дим.
Азиз юртдошлар!
Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари - Абдулхолик Фиж-дувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревғарий ва Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитаний ва Бобой Самосий синга-ри азиз-авлиёларга бешиқ бўлгани билан ҳам бутун ду-нёга маълум ва машҳурдир.
Бухорони Бухорои ша-риф даражасига кўтарган ана шундай аждодларимиз орасида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мақомга эга.
Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қал-бини поклаб, нафс балоси-ни енгиб яшаётган одам қандай маънавий юксаклик-ка кўтарилди олийши яққол намён бўлади.
Бу буюк зот эл-юртга хо-лисона хизмат қилиш, ав-вало, маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали улар-да эзгу интилишлар, оруз-умидлар уйғотиш мумкин-лигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди. (Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВ ВА ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ А.КВАСЬНЕВСКИЙ ЎРТАСИДАГИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

2003 йил 27 ноябр куни Польша томони та-шаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти И.Каримов ва Польша Республикаси Президенти А.Квасьневский ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.
Сўхбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг жорий йилнинг июл ойида Польша-га расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар ижроси билан боғлиқ масалалар ҳамда икки томон-лама ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.
Сўхбат Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига хос самимий руҳда ўтди. (ЎЗА)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу! Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Саудия Ара-бистони халқи, Хукумати ҳамда ўз номидан Сиз Жа-ноби Олийларига самимий табрик ва биродарона эзгу истакларимни ихсоз этишдан гоятда мамнунман.
Қодир Аллоҳдан ушбу айёмда кут-баракат, Сиз Жа-ноби Олийларига сийхат-саломатлик, биродар халқин-гизга бахт-саодат, ислом умматига эса шон-шухрат, юксалиш ва хурсандчилик ато этишини сўрайман.
Қамоли эҳтиром ила,
Биродарингиз Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи

нуният бағишлайди.
Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан Сиз Жаноби Олийларига сийхат-саломатлик, бахт-саодат, қардош халқин-гиз ва ислом умматига доимий тараққиёт ва фаро-вонлик ато этишини сўраб қоламан.
Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан
Мухаммад Хусни МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Аф-ғонистон халқи ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийлари ҳамда биродар Ўзбекистон халқини табриқлашдан беҳад бахтиёрман.
Ушбу саодатли ва муборак айёмда Сиз Жаноби Олий-ларига ва қўшни Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва та-раққиёт тилаш меннинг ягона орузимдир.
Табригим ниҳоятда яна бир бор меннинг энг яқин тил-ла ва қизгин саломларимни қабул қилгайсиз.
Хамид ҚАРЗАЙ, Афғонистон Утиш Ислам Давлати Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,
Муқаддас Руза ҳайити муносабати билан Сиз ва Ўзбе-кистон халқини самимий муборакбод этаман.
Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаолиятингизда муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, хайр-баракат ва фаровонлик тилайман.
Илҳом АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Президенти
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу! Муборак Руза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табриқларимни йўллаб, сийхат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият тилай-ман.
Саховатли ва раҳмдил Аллоҳ мусулмон умматига бир-дамлик, тараққиёт ва фаровонлик ато этсин.
Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси халқи-га бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.
Аҳмад Мухаммад АЛИ, Ислам тараққиёт банки президенти

Бор бўл, оқибат!


НУРОНИЙЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Меҳр-саховат, нурунийларга ҳурмат-эҳтиром ҳалқимизга хос азалий урф-одатлардир. Муқтаиллик шарофати билан миллий кадриятларимиз давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг ўзгалар парваршига муҳтож, ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони максатда эришишда бекиёс рол ўйнамоқда. Бу муҳим ҳужжатда ўзгалар кўмаги ва ҳимоясига муҳтож нурунийларга хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтирилган олижаноб максат ҳамда истиқболли режалар ўз ифодасини топган. Бу борада Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ҳам савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Жамият равақи, халқ бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилган, айни кунда ўзгалар ёрдамига муҳтож нурунийлардан 574 нафари ижтимоий муҳофазага олинган. Уларга 95 нафар малакали ижтимоий таъминот ходими бириктирилган. Ширин сўз, ишчан бу ходимлар қарияларга меҳрибон, уларнинг оғирини енгил қилиш учун ҳамиша хизматга шай, аҳолидан хабардор. Шунингдек, улар максатли ижтимоий ҳимояни ўз вақтида муҳтож охонан ва ота-хонларга етказиб беришда, намунали тиббий ва маънавий хизмат кўрсатишда бош-қош. Бундан ташқари кексаларнинг маънавий эҳтиёжлари учун зарур бўлган дунё воқеалари, мамлакатимизда содир бўлаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида уларга сўзлаб берадилар. Баъзида китоб ва журналлари ўқиб, нурунийлар ҳаётига мазмун бағишлайдилар. Бундай йўриқчи-мутахассисларнинг сўй-ҳаракатлари билан ўзгариш 9 ойда нурунийларга 28 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилди. 96 нафар ёлғиз пенсионерларнинг саломатликларини яхшилаш мақсадида шифохоналарга ётқизилди. Шунингдек, 207 нафар қариялар шифокор назоратида уй шароитида соғлиқларини тикладилар. Энг муҳими, улар барча дори-дармон-

лар билан бепул таъминландилар. Бундан ташқари, 9 нафар нурунийларга дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди. Бу савобли ишларни амалга оширишда ҳомийлар хизмати алоҳида таҳсинга сазовордир. Уларнинг бегараз ёрдамлари билан 45 нафар якка-ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари таъмирланди. Шунингдек, нурунийларнинг саломатлигини тиклаш, байрам тадбирлари уюштириш, сова-саломлар ҳада этиш мақсадида ҳомийлар томонидан 9 миллион 900 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар қаратилиши тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бора-сида ҳам вилоятда бир қатор савобли ишлар амалга оширилди. 40 мингдан ортиқ ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларга мос иш шароитлари яратиш, оиласи, фарзандлари, саломатлиги ҳақида ҳамхўрликлар қилиш ниятида алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Бу эзгу ишда фермерлар, тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар жалб этилди. Айниқса, 475 нафар якка-ёлғиз ногирон пенсионерларга эътибор кучайтирилди. Ижтимоий таъминот бўлими 91 минг нафар ана шундай ўзгалар хизматига муҳтож ногиронларни ўз оталигига олди. Шунингдек,

Қизил ярим ой жамияти ҳам ногирон нурунийларга ҳам меҳр-саховатини кўрсатмоқда. Савоб ишни ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билган тадбиркорлар, ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобидан 5 миллион 937 минг сўмлик мурувват ёрдами уюштирилди. 52 та ногиронлар аравачаси эҳтиёжманд, меҳр-мурувватга ташна инсонларга инъом этилди. Бу савобли ишга айниқса Денов туманидаги ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорлар алоҳида ўрнатилган кўрсатишди. Уларнинг меҳр-мурувват ёрдамлари ҳисобидан тумандаги 22 нафар ногиронларга аравачалар сова-ва қилинди. Бундай саховатли ишлар бошида касаб-ушма фаоллари турганлиги айни мудоаодир. - Ҳадису Шарифда айтилганидек, бир хаста кўнглига қувонч бағишламоқ, минг Макка зиёратидан савоблироқдир, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг бошлиги Абдулло Мавлонов. - Шунинг учун биринчи навбатда биз ногиронлар, ёлғиз пенсионерларга алоҳида хизмат кўрсатаямиз. Уларнинг саломатликларини тиклаш учун турли ҳомий ташкилотлар хизматидан фойдаланмоқдамиз. Ахир, бу инсонлар бир вақтлар мамлакатимиз тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилганлар. Уларнинг дуолари ҳам бугун бизни улуг ишларга бошламоқда. Шунинг учун ҳам уларни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Шу ниятда жорий йилда ногирон нурунийларимизга «Олтириқ», «Товқоқ» ва «Косонсой» сўхатгоҳларига 310 та йўлланмалар ажратилди. Вилоятимизда бу каби эзгу ишлар бундан кейин ҳам давом эттаверади. **Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири**



Юртимизда кичик ва ўрта бизнес тобора ривожланиб бормоқда. Қарши туманидаги «Равшан БА» кичик корхонаси ҳам «Тадбиркор-банк»дан 10 миллион сўм кредит олиб, 20 турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шу билан бирга ўндан ортиқ ишчи ўринлари яратилди. Ишбилармонлар савоб ишлардан ҳам четда қолишмаяпти. Ишлаб топилган даромад ҳисобидан маданий-маънавий, маъмурий бинолар бунёд этишга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Хусусан, Косон туманидаги Чори бобо Ҳақбердиев фарзандлари ўз маблағлари ҳисобидан 90 ўринли болалар боғчасини қуриб беришмоқда.

Суратларда: (чапда) «Равшан БА» кичик корхонаси ишчиси Санжар Равшанов; саховатпеша қишлоқ Сайфулла ва Фарҳод Ҳақбердиевлар боғча қурилишида. Т.ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар

ХИЗМАТДАН МАМНУН

Жалолқудук тумани Амир Темур ширкат ҳўжалиги ўн иккита маҳаллани ободонлаштириш ишларига қарий бир миллион сўм маблағ сарфлади. Маҳалла аҳолиси учун кўпгина маданий-маънавий хизмат шохчалари қурилди. - Жорий йилда янги сув ва газ қувурлари ётқизилди, деди ширкат ҳўжалиги раиси Абдуназар Абдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Маҳалла фуқаролар йиғини учун иккита янги бино барпо этилди. Шунингдек, қолган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам қайта таъмирдан чиққан хоналарга жойлашди. Ширкат ҳўжалиги ўтган йил олган 630 миллион сўм даромади ҳисобидан кинотеатр ва 240 ўринли мактаб қурилди. Бу йил қарий 720 миллион сўм даромад олишни кўзлабмоқда, дея сўзида давом этди А. Абдуллаев. - Жамоамиз қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлар бўйича шартнома режаларини ошириб бажарди.

ФЕРМЕР — ДАВР КИШИСИ. ЮРТИМИЗДА ЎЗ ИШОАТИ, АЗМУ ҒАЙРАТИ БИЛАН ЕР ОЛИБ, МУЛК СОХИБИ БЎЛИШНИ ИСТИВОЧИЛАРГА КЕНГ ИМКОН ЯРАТИЛГАН. БУГУН БУ НОМИ ОҚЛАЙТГАНЛАР ХАМ, СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ХАМ ЯҚКОЛ ҚЎРИНИ ҚОЛДИ. ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАЯПТИ. КЕЛИНГ, БИР ХИЛ ШАРОИТДА ИККИ ХИЛ НАТИЖАГА ЭРИШАЙТГАН ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИГА ТўХТАЛАЙЛИК.

СИРДАРЁЛИК ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Мирзачўл истиқболли фермерга боғланаяпти. Воҳадаги экин майдонларининг қарий ярми фермерлар қўлига топширилган. Бу эса тадбиркордан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда самарали ишлашни талаб этади. Қарийб эллик минг нафарга яқин киши фермер ҳўжалиқларида меҳнат қилиб яхши натижаларга эришганидан мулқдорлар «нуфузи ошиб» бораётганидан далоят. Қишлоқ аҳлининг аксарияти ер, деҳқончилик орқасидан ўз иқтисодини мустаҳкамлайди. Бу юмуш бошида бугун бевосита фермер турибди. У омиқкор бўлса, деҳқон уйида тўй, тўкинлик даявериши. Мана улардан бири. Ш.Рашидов номли туманда яшовчи етти дўст бирдан ер олди. Имоният эшик оша учун юз ўғириб бўладими. Оз эски 521 гектар майдон бошига «Тинч» фермер ҳўжалиги деган пешлаваҳа илинди. Мундоқроқ ҳўжалик далаларига ўлчанг майдонлар қадамлаб йўлчанди. Паст-баланди, ўйдим-чуқури кўздан кечирилди. Симфодлар Норбек Уриновни раис, Бахтиёр Анорбоевни эса муҳандисликка кўтаришди. Қолган беш ўртоқ фермер ҳўжалиги ичидига оливайи пудрат звенолари бошлиқлари бўлишди. Барча иш тақсимланди. Хар қимнинг ўз юмуши бор. Далада ишлаётганлар ҳам оз эмас, 80 нафар киши. Амалдаги йилда 252 гектар майдонга галла экиб, 582 тонна ўрнига 614 тонна дон йиғиштириб олинди. Режадан ошқ 105 тонна бугудой азықларга тақсимлаб берилди. Галлачиликдан соф фойда 22 миллион сўмни ташкил этди. Ғуза парваршида 1 гектар майдонга сув тараган сувчиға 15 минг сўмга ҳақ тўланди. 10 гектарни сифатли сувга қондирган муроб 150 минг сўмни қуртдек санаб олиб турибди. Манфаатдорлик ошғач, одамлар астойдил ишлашди.

216 гектар майдондаги пахтаға шу тахлит муносабатда бўлинди. Агротехник тадбирдаги одилона услуб, мўл хирмон тўплаш имконини яратди. Теримда ҳам Уринов пулни яёб ўтирмади. Ноябрь ойиғача теримда қатнашаётганларга 15 миллион 200 минг сўмни тўлаб берди. Моддий таъминот ютуқлар қалити. Қисқа фурсатда 498 тонна ўрнига 510 тонналик хирмон тикланди. Дастлабки ҳомчўларга қўра пахтачиликнинг ўзидан 47 миллион сўм соф фойда кўтарилаяпти. Шу тумандаги Асатулла Бердиқуллов раҳбарлик қилаётган Абдулла Қодирий номли фермер ҳўжалигининг 253 гектар пахта майдони бор. Бу миришкорлар ҳам 600 тонналик хирмон уйди. Шартномавий режа

бажарилган қуни Асатулла ака катта қўчор келтириб элга ош берди. Бу пешқадамлар ҳўқуматимиз ва ҳокимлик муқофоти, эл-юрт таҳсинига сазовор бўлишди. Далада ишлаган ҳодим иш ҳақининг ҳар бир сўмига қўшимча ҳақ тўлаш қўзда тутилаяпти. Булар туманнинг фахри. Хар қанча илқ галларга лойиқ, Бахтга қарши аксинча иш қилаётганлар ҳам бор. Халқимизда эл юкини кўтарганини эр йиғит, дейди. Аммо ишонччи оқламай ношудлик қилганлар назардан қолиши шубҳасиз. Бугун эл ардоғига тушган фермерлар билан бир сафда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Ғолиблар тантанасида улар ер чиғиб қўздан панароқда бўлиш пайида бўлишди. Энг ачинарлиси, бундай иқтисоди ночор туман, даромад куётган деҳқон жонига оро қиролмади. Ким билсин Ш.Рашидов тумани Сирдарё вилоятинда орқда судралиб юришга, улар сабаб-чиғир. Ҳаммасидан ҳам Пахта таобод пахта тозалаш Ҳўссаси

Таққос

дорлик жамияти ишонччи саҳорлардан нолиб қолишди. Бир мисол. Тумандаги Акбар номли фермер ҳўжалиги раҳбари Н.Нийёзов 23,2 гектар майдонга чигит экиб 54,3 тонна пахта топшираман дея заводни ишонтирди. Шартномага жимжимдор имзо чекиб муҳр босди. 3 миллион 559 минг сўм бунак пулни ҳам қуртдек санаб олди. Аммо Н.Нийёзов «ишим битди, ҳаммани боғлайми», деб юрган қўринадди. Таажубланарлиси, бу фермер ҳанузгача бир қилиб ҳам пахта топширмаддан ялло қилиб қорилди. Афсуски, бундайлар туманда яна бор.

«Сугдиёна» фермер ҳўжалиги ҳам шартнома асосида 68,5 тонна пахта учун 5 миллион 289 минг сўм, Диана номли фермер ҳўжалиги 44 миллион 44 минг сўм бунак пуларини олиб, бир кило ҳам хомашё топширмаганини қандай баҳолаш мумкин. Ахир кетимон чотган мулзам, сув тараган мулзам. Айбни устоган қилиб, жабрини далада ишлаган чеки қолаверади? Булар туман оёғига тушов, ислохотга ғов бўлиб, қанчогача судралашадими?

— Ер олганмас, ердан ҳосил олаётган асл деҳқон, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Умаров. — Деҳқончиликнинг ўз тамойили, тошу тарозуси бор. Ерни алдайман деган катта хато қилади.

Лоқайлик қалб фалажи. Юқоридаги фермерларнинг масъулиятсизлиги, бир неча миллионни совориш юришини асло оқлаб бўлмайдди. Табиқий бундайлар феолиятига муносиб баҳо бериб, бебаҳо бойлик-ерни ҳаққий эгаси қўлига топшириш керак.

КУША КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шаҳрисабз туманида Бошқирдистоннинг «Урал» савдо-саноат ишлаб чиқариш компанияси билан ҳамкорликда иккита янги қўшма корхона ташкил этилди. - «Кеш-Уфа инвест» қўшма корхонаси «Шаҳрисабзгўшт» масъулиятли чекланган жамият томонидан таъсис этилди, дейди вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Баҳодир Остонов. Низом жамғармаси 150 минг АҚШ доллариға тенг қўшма корхона гўштини қайта ишлаш, қадоқлаш ҳамда бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иштирослашган.

«УзБаш & Ко» қўшма корхонаси эса асосан саноат чиқиндиларини қайта ишлашга мўлажалланган.

КУЧ ВА ИРОДА СИНОВИ

Шаҳар ногиронлар жамиятида Конституцияимизнинг 11 йиллиги ҳамда Халқаро ногиронлар кўнига бағишланган «Марафон-2003» қўриқ-танлови ўтказилди. Мусобақада вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан, шунингдек, Самарқанд вилоятидан келган 40 нафардан ортиқ ногирон спортчи югурди, аравача ва велосипед пойғаси бўйича ўз шахоратини намойиш қилди. Навоийда ҳар йили ногиронлар қуни олдидан ана шундай марафон ўтказиш анъанаса айлиб бормоқда.

Ногиронлар аравачаси пойғасида Қаҳор Омонов, велопойғада Бахтиёр Облаев ва Зайнаб Шодиева, югурди бўйича Расул Солиев ва Лола Норова биринчиликни эгаллади. Ғолибларга ҳомийларнинг қимматбаҳо соғалари топширилди. **Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан 20 ноябрдан 20 декабргага мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаяпти. Халқимизда «Ўт ба-посидан асрасин» деган ҳикмат беҳиз айтилмаган.

Ёнғин – осийишталик кушандаси. Олов деган даҳшатли тилим қутилмаганда пайдо бўлиб, аҳолиға катта таъвиш келтиради. Қашқадарё вилояти ички

фсизлиги олдини олиш соҳасида олиб бораётган ишлар билан танишиб чиқилди. 75 та ташкилотда амалдаги қондалар бузилганлиги учун раҳбарлар 400 минг

та корхона ва ташкилотларга қарашли уйлар қўздан кечирилди. Хавфсизлик қондаларини бузган 3200 мансабдор шахслар ва фуқаролардан 6 миллион сўмдан зиёд жазима ундириб олинди. Ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган 680 та бино ва иншоот феолият бартараф этилганлиги қадар фойдаланмаслик тавсия

қатий рию қилган ҳар бир киши давлат, шахсий мулкни ўт балосидан асраган бўлади. Инсон ҳаётини ёнғиндан ҳимоялашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Кишининг совуқ кўнралида қўлчилик иситиш тизимининг хавф-хатарсиз ишлашини истаиди. «Иссиклик манбаи» корхонаси тасаруфидида қозонхоналарнинг тўхтовсиз ишлаши ва ёнғин хавфсизлиги чоралари қўрилганлиги ижобий самаралар бермоқда.

Вилоят ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари аҳоли осийишталлигини таъминлаш, ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этиш учун барча имконият, билим ва тажрибаларини сафарбар этишмоқда. **Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

ТИЛСИЗ ЁВ

ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари халқ ҳўжалиги масканлари ва турар-жойларда ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш, аниқланган камчиликларини бартараф этиш чора-тадбирларини қўрмоқдалар.

Вилоятнинг қўркам ва ғўзал шаҳарларидан бири ҳисобланган Шаҳрисабзда Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича қатор ишлар амалга оширилаяпти. Шунга қарамаздан айрим эътиборсиз кишиларнинг лоқайлиги туфайли йиғирмадан ортиқ ёнғин ҳолатлари содир бўлди ва фуқароларга 994 минг сўмликдан зиёд моддий зарар келтирилди.

19 жойда 11541 литр нефт маҳсулотларини ноқонуний сотиш, кўп жойларда ёнғинга мойлаш материалларини ноқонуний сақлаш, 52 жойда электр энергиясидан нотўғри, 57 ҳолатда газ тармоқидан нотўғри фойдаланиш нуқсонлари аниқлиниб, мутасаддиларга тегишли чора қўрилди. Хавфсизлик қондаларига

Вилоят ҳокимининг фармойишига мувофиқ воҳадаги мавжуд корхона ва ташкилотлар киши маъсум олдидан текшириб чиқилди. «Муборак-нефаз», «Шўртаннефаз» унитар шўба корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртангаз» кимё маъмураси, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари каби ўта муҳим иншоотларда ёнғин хавфсизлиги назорати янада кучайтирилди. Мутасадди раҳбарлар эътибори белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва қондаларга рию қилишга қаратилди. Кўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва ёнғин чиқишга йўл қўймаклик учун 126 мингдан ортиқ хонадон, 3155 та коммунал турар-жой, 312

КўРНАМАК

Питнак шаҳрининг Саримой қишлоғида яшовчи Нурмурод Аразурдиев ҳалол меҳнат қилса қучи, яшаса шаронити борлиғига қарамай виждонидан жигдони устун қўйган, текин пул топиш йўлида ҳар қандай жиноятга қўл уришдан қайтмайдиган но-бакор инсонлар сирасидан эканлигини яна бир бор кўрсатди. Дастлабки жиноятга қўл урганида у ҳали ёш эди. Вақт ўтди, одамлар уни энди табасига таянгандир, дея кечиринди. Лекин тўқиз йиллик тиканили сими ортида сабоқ унга таъсир қилмабди... Қабих нияти йўлида тўрт нафар воғга етмаган фарзанди ҳам қўзига қўринамди. 1998 йил Туркменистон республикасида катта миқдордаги гиёҳвандлик моддасини яширинча олиб ўтиб, сотаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Оқибатда, яна беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Шундан унга нисбатан юксак даражада бағрикенглик қилинди. Қолаверса, ҳали воғга етмаган фарзандларининг келажакини ўйлаб, Президентимизнинг аёв этиш тўғрисидаги фармонига қўра озодликка чиқарилиди. Халқимизда яхши отга бир қамчи, деган нақл бор. Аслида билиб-билмай жиноятга қўл уриб, қилган ишга тавба-тазарру айлаганлар амнистия туфайли озодликка чиқиб, ҳалол ва виж-

Жиноятга жазо муқаррар

Лекин бу қалтис режа амалга ошмади. Яшаниями, туман ички ишлар бўлимининг тезкор гуруҳ ходимлари бор экан. Акс ҳолда, Нурмурод яна қанча кишиларни захарлаган ва гулдек умрларга зомин бўларди. Суд жараёни кетмоқда. Қўра курсида учинчи бор Н.Аразурдиев ўтирибди. Ҳамма унга нафрат билан қарайди. Ҳужм ўқилди. Бу гал у саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятчи қилимишга яраша жазосини олди. Бироқ бир нарсани кишини ўйлантирди. Гиёҳвандлик моддаси инсон умрининг эғови эканлиги ҳеч қимга кир эмас. Дунё афкор оммаси бу ҳақда қанчалар жар солмақда. Қолаверса, юртимизда унга қарши кескин чоралар қўрилаяпти. Шундай бўлса-да, виждонни жигдониға айлантирганлар кишилар кўз ўнгида амалдаги қонунларимизга хилоф равишдаги ишлар билан шуғулланганлиги қимматга тушаяпти. Ҳолбуки, питнаклик Нурмурод ҳам кимнингдир фарзанди, қайсиқдир маҳаллада қалмоқ топган. Уша хонадондағилар, у истисно қилган маҳалладаги фаоллар вақтида етарлиқ чора-тадбир қўриганда эди, юқоридаги каби қўнғилсизликларнинг олди олинарди. **Азимжон ҚўРБОННЇЕЗОВ, Хоразм вилоят судининг судьяси Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири**

«ФАРМАЦИЯ-2003»ГА МАРҲАМАТ!

«Ўзбекистон Республикасида «Фармация-2003» дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари тўртинчи республика ярмаркаси очилди. Бугунги кунда республикамиз аҳолиси ва тиббиёт муассасаларини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган сифатли дори-дармон ҳамда тиббий воситалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ташкил этилган ярмаркада ўтган ўн йил мобайнида фармацевтика соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этиш билан бирга, муҳим шартномалар имзоланади ҳамда фармацевтика sanoatини ривожлантириш борасида маркетинг тадқиқотлари олиб борилади. «Узфармасаноат» давлат акциядорлик концерни томонидан тўртинчи марта ташкил этилган ушбу ярмаркада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дори-дармон препаратлари, субстанциялар, ёрдамчи воситалар, тиббиёт техникаси ишлаб чиқарувчи олтмишга яқин корхона иштирок этмоқда. Эътиборга молик жиҳати, уларнинг аксарияти эндиликда ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилаётган. Ярмаркада Россия, Эрон, Швеция каби хорижий давлатларнинг дори-дармон ишлаб чиқарувчи фирми ва компаниялари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган. Шунингдек, бу ерда дориунослик соҳасидаги янгиликлар, илмий ишлар, дори-дармон хомашёси, моддий-техника ресурслари, жиҳоз ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришга оид сўнғги илмий ишланмалар ҳамда таъиниши мумкин. **(ЎЗА)**

Буюк аждодларимиз

Бир неча ўн йиллар мобайнида синфийлик нуктаи назаридан туриб барча ҳукмдор табақа вакиллари каби Султон Хусайн Бойқаро шахсига ҳам бирёқлама муносабатда бўлиб келдик. Уни Алишер Навоийнинг аслида бўлмаган севиллиси Гуллини тортиб олган ишратпараст, ўз навараси Мўмин Мирзонинг қонини тўққан эҳсоний шох сифатида талқин ва ташвиқ қилдик. Тарихни ҳолис баҳолаш қарор топмаётган айни кунларда Хусайн Бойқарога Навоий нигоҳи билан қарасак, менимча, ҳато қилмаймиз.

Миллатимиз кўеши дўсти ва ҳукмдорини ўзигагина ўтган ҳамма шохларнинг афзали, деб ҳисоблайди. Унинг адлу адолатини кўрса, одиллик тимсоли Анушервон ҳам қойил қоларди, дейди. Султоннинг илму ҳунарда ҳам, хулқу одобда ҳам замонасининг илгори эканлигини бот-бот таъкидлайди. Чунони, уни раиятпарвар, дарвештабиат, камтар, хоксор ҳукмдор сифатида таъриф-

тни босиб олмади, аксинча, ўз элини гуллаб-яшнаши пайда бўлди. XV асрда Хиротда гуллаб-яшнаган илму фан, адабиёт ва санъат, янги Уйғош даври учун ўзбек халқи Хусайн Бойқародан миннатдор бўлиши керак. Буларнинг барчасини назардан соқит қилган тақдирда ҳам биргина Алишер Навоийга кўрсатган эҳтиромининг миллат олдидаги энг буюк хизматидаир.

ШОҲЛАР ДАРВЕШИ-Ю, ДАРВЕШЛАР ШОҲИ

лайди. Французларда: «Дўстларимнинг дўстлари менинг ҳам дўстларимдир», деган ажойиб мақол бор. Бинобарин, Навоийни эъзоз-эҳтиром қилар эканмиз, у улуглаган инсонларни ҳам ҳурматини жойига қўйишимиз керак.

Навоийнинг Хусайн Бойқаро таърифидоги ҳамма фикрларини бир ерга жамлаб, талқини тадқиқ этилса, бутун бир рисола бўлади. Мазкур таърифлар унинг ҳаёти ва фаолияти, фазилатларининг жами қирраларини қамраб олганки, уларнинг барчаси хусусида сўз юритиш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам айни таърифларнинг фақат бир қиррасига - шох ва шонининг дарвешлик хусусиятларига тўхталамиз.

Дарвешлик - Муҳаммад алайҳиссаломдан мерос. Пайгамбаримиз дарвешликнинг мукаммал тимсоли бўлибгина қолмай, дарвешларни «Оллоҳнинг дўстлари» деб эъзозлаганлар. Шу боис ҳам дарвешлик шохликдан устун қўйилади - уларнинг оstonасини зиёрат қилиш руҳий-маънавий покликни воситаси, деб қаралади. Алишер Навоий ҳам дарвешликни мукаммал ахлоқ эгаси бўлиш, деб билгани учун дарвешлик хиллатидан барчанинг озми-кўпми баҳраманд бўлишини истади. Бу хиллатини ўзида мужассам этганлиги учун ҳам Бойқарони сувратда подшоҳи сийратда дарвеш, шохлар дарвешю дарвешлар шохи, деб улуглайди: **Шохлар дарвешю дарвешлар шохини, бор - Шохлар суврат анга, дарвешлик сийрат анга.**


Хусайн Бойқаро бу фазилатда бир

умр содиқ қолагидина эмас, балки уни тобора кенгайтириб, ривожлантириб боради. Навоий унга бағишланган мадҳияларида дўстининг кўпдан-кўп хиллатлари қаторида, дарвешлик хусусиятини ҳам фахру гуру билан таъкидлайди. Жумладан, «Лайли ва Мажнун» достонидан Хусайн Бойқаронинг ботинан дарвешлиги, ҳайбатидан фалак фили қўрқишига қарамай бирор пашшанинг қаноти синса, унинг кўзида ёш айланиши, қиличи шерни зеру забун қилгани ҳолда, чумоли ўлимидан кўнгли бузилиши хусусида ёзади: **Шахлар қуллугун кўруб марғуб, Анга дарвешлик бўлуб матлуб. Гарчи шахларни зордаст айлаб, Уни дарвешларга паст айлаб. Аждаҳо зўр вақти илгида мўр, Қила олмай валеқ мўрға зўр. Пили гардун қошида пажмурда, Пашша лек ўлмай андин озурда. Навоий фикрича, шох: Салтанатдин ҳавасни бас айлаб, Фақр султонлигин ҳавас айлаб, - яшайди.**

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Аҷам» асарида дунё бино бўлгандан буён ўтган подшоҳларни бирма-бир санаб келади-да, ўзининг шохлик ҳақидаги қуйидаги фикрларини, тўғрироғи, орзуларини илгари суради: Кимни Оллоҳ таоло марҳамат айлаб, шохлик тахтига ўтқазса, у дунёнинг ўткинчилигини англаб, жаҳон молига парво қилмас: мулк давлатни фақат адолат учун истаб, Ҳақ амридан ташқари қадам қўймаса; жангни ёлғиз жабру зулмни йўқотиш учунгина қилса; ҳамиша Тангри ризосини ўйлаб иш тутса; тахтда ўлтирса-ю, фақирлиқни истаса, шох бўлса-ю, дарвешликни касб этса. Шoir ўз дўстида ҳам мана шундай хиллатларни тўла кўрмоқни истади: **Шох, келди шахинг мусаллам санга, Не шахинги, дарвешлик ҳам санга.**

Кейинги йиллар Имом Бухорий, Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Манғубди каби миллатнинг бир қатор фидойи фарзандларининг муборак номлари оқланди, ҳаёт ва фаолиятлари ўрганилди, илмий адабий мерослари халққа қайтарилди. Султон Хусайн Бойқаро ҳам ана шундай эҳтиром ва эъзозга муносиб, давлат арбоби, шoir ва маданият ҳомийсидир.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.



Болалар спорти

САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Болалар спорти ривожини ўсиб келаятган авлод саломатлигини кафолатлашди. Мана бир йиллик мамлакатимизда шу номадга ҳамгарма фаолият юритиб келмоқда. Катта-катта хайрли ишларга қўл урилади. Ташаббус миллионлаб ёшларнинг ўз устидан ишлаганига, саломатликларини устидан жиддий қайғуришига олиб келди.

Кейинги ҳисоб-китобларга кўра Сирдарё вилоятида 171700 нафар балоғат ёшидаги ёшларнинг спорт бўлимида фаолият юритиб келинаётибди. Бу йилда спорт бўлимида 171700 нафар балоғат ёшидаги ёшларнинг спорт бўлимида фаолият юритиб келинаётибди. Бу йилда спорт бўлимида 171700 нафар балоғат ёшидаги ёшларнинг спорт бўлимида фаолият юритиб келинаётибди.

Қарши давлат университетлари «Маҳаллаларо яхши шерикчилик ва тажриба алмашиш имконияти» мавзусида форум ўтказилади

САРМОЯЛАШ ДАСТУРИ

Хозирда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги 72 та маҳалла «Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури» (МХСД - САИР)да иштирок этмоқда. Мамаклатимизда маҳаллани ижтимоий ҳаётдаги ўрни муҳим. Маҳаллани янада ривожлантириш ҳамда муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш МХСД маҳаллаларга ички ресурсларни сафарбар қилиш ва маҳаллий миқёсда тараққи этиш ташаббусларини амалга оширишга имконият ва билимлар беради.

Ушбу форумнинг мақсади ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, яхши шерикчилик, муаммоларни аниқлаш ва ўн саккиз ой ичида МХСД амалга оширган ишлар ҳақида музокара қилишдан иборат. - Мазкур анжуман маҳаллалар етакчиларига учрашиш ва умумий муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида музокара қилишга яхши имкон бўлди, - деди Жанубий Ўзбекистондаги МХСД дастури раҳбари Иван Широчев. - Форум ўз маҳаллаларини ривожлантириш масалалари бора-бораги фуқаролар ташаббуслари госяини янги кўринишда тақдим этишга ҳам имкон беради.

Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури АКШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (ЮСАИД) томонидан уч йиллик молиялаштириш дастуридир. Дастур мамлакатимизнинг жанубида жойлашган 72та маҳаллада демократик ривожланиш тизимларини яратишга қаратилган ва иккита халқаро нодавлат нотижрат ташкилотлар - СНФ Интернешнл ва Каунтерпарт Интернешнл ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. МХСД маҳаллалар фуқароларига маҳаллий инфратузилмани яхшилашда ва янги иш ўринларини яратишда ёрдам бериш орқали маҳаллий миқёсда демократик маҳалла тараққиёт этиқлиқини таъминлаш учун фаолият кўрсатади. Дастурнинг ўн саккиз ойлик фаолияти натижасида 155 миң маҳалла фуқаролари қатнашиб, бундан наф қурдилар.

Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури АКШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (ЮСАИД) томонидан уч йиллик молиялаштириш дастуридир. Дастур мамлакатимизнинг жанубида жойлашган 72та маҳаллада демократик ривожланиш тизимларини яратишга қаратилган ва иккита халқаро нодавлат нотижрат ташкилотлар - СНФ Интернешнл ва Каунтерпарт Интернешнл ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. МХСД маҳаллалар фуқароларига маҳаллий инфратузилмани яхшилашда ва янги иш ўринларини яратишда ёрдам бериш орқали маҳаллий миқёсда демократик маҳалла тараққиёт этиқлиқини таъминлаш учун фаолият кўрсатади. Дастурнинг ўн саккиз ойлик фаолияти натижасида 155 миң маҳалла фуқаролари қатнашиб, бундан наф қурдилар.

Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури АКШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (ЮСАИД) томонидан уч йиллик молиялаштириш дастуридир. Дастур мамлакатимизнинг жанубида жойлашган 72та маҳаллада демократик ривожланиш тизимларини яратишга қаратилган ва иккита халқаро нодавлат нотижрат ташкилотлар - СНФ Интернешнл ва Каунтерпарт Интернешнл ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. МХСД маҳаллалар фуқароларига маҳаллий инфратузилмани яхшилашда ва янги иш ўринларини яратишда ёрдам бериш орқали маҳаллий миқёсда демократик маҳалла тараққиёт этиқлиқини таъминлаш учун фаолият кўрсатади. Дастурнинг ўн саккиз ойлик фаолияти натижасида 155 миң маҳалла фуқаролари қатнашиб, бундан наф қурдилар.

Маҳалла ҳаракатини сармоялаш дастури АКШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (ЮСАИД) томонидан уч йиллик молиялаштириш дастуридир. Дастур мамлакатимизнинг жанубида жойлашган 72та маҳаллада демократик ривожланиш тизимларини яратишга қаратилган ва иккита халқаро нодавлат нотижрат ташкилотлар - СНФ Интернешнл ва Каунтерпарт Интернешнл ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. МХСД маҳаллалар фуқароларига маҳаллий инфратузилмани яхшилашда ва янги иш ўринларини яратишда ёрдам бериш орқали маҳаллий миқёсда демократик маҳалла тараққиёт этиқлиқини таъминлаш учун фаолият кўрсатади. Дастурнинг ўн саккиз ойлик фаолияти натижасида 155 миң маҳалла фуқаролари қатнашиб, бундан наф қурдилар.

Айтсам тилим, айтмасам дилим

БЕЧОРАҲОЛ ҲАҚИДА

Қаршининг Ботош маҳалласида бир ўйингоҳ бор. У «Мехнатчи ўйингоҳи» деб номланади. Бундан бир неча йиллар олдин у Қарши шаҳридаги энг яхши ўйингоҳлардан бири саналиб, ҳамиша спорт иштибоқлари билан гажув бўларди. Чунки бу ердаги шарт-шароитлар кўнглидаги, спортнинг барча турлари бўйича шугулланиш мумкин эди. Кейинги пайтларда ўйингоҳ ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ўйингоҳнинг бугунги ҳолатини кўрган кишининг дили хуфтон бўлади. Тўғриси айтсак, бу ерни спорт иншооти дейишга тил бормаиди. Бегона ўтлар орасидан қайси волейбол, қайси баскетбол майдони эканлигини ажратиш жуда мушкул. Теннис майдончаси деб аталган тупроқ уйилган тепани кўриб

яна таажубланишингиз табиий. Спорт залларидаги ахвол ҳам яхши эмас. Спортчиларнинг ювинишлари учун душ шугулланишлари учун тренажёрлар йўқ. Электр ёриткичлар фақат савлат тўкиб турибди. Иккита спорт залининг ювиниш-ечиниш хоналари мавжуд бўлса-да, улар таъмирга муҳтож. Ўйингоҳнинг бу қадар ачинар ахволга келиб қолишига сабаб гоҳ у ташкилот, гоҳ бу ташкилотнинг қўлига ўтиб қолишидаир. Ҳўш, унинг бугунги соҳиблари бу ҳақда нима дейишаркан? Ботош маҳалласи фаоллари ҳам оқддийгина хашар йўли билан битадиган ишларни амалга оширишса, бу ўйингоҳдан ўзларининг фарзандлари, неваралари фойдаланишадикун?

«Туркистон-пресс»

Нихоят, орқиб кўтилган кунларга ҳам етиб келдик. Ўзбекистон тарихида илк марта вакилларимиз ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионатида ўз бахтларини синаб кўриш учун майдонга тушадилар.

Кеча Бирлашган Араб Амирликларидан чемпионат байроғи кўтарилди ва мезбонларнинг Словакия терма жамоасини қабул қилиши билан голиблик учун баҳсларга старт берилди. Юртдошларимиз учун ҳам синов онлари бошланди. Футболчиларимиз, юқорида айтиб ўтганимиздек, аввал Мали, сўнгра эса 1 декабрда Аргентина, 4 декабрда Испания жамоалари билан куч синашадилар. Виктор Борисов шогирдларига осон бўлмади. Малини билмадик-ку, лекин Марадона ва Раул ватанидан ташриф буюрган футболчилар майдонга фақат галаба иштиёқида тушишлари аник.

Лекин минг марта такрор ва такрор айтганимиз нақл бор: тўп думалок, майдон текис. Зеро, ҳамма нарса бўлиши мумкин. Қолаверса, бизнинг бир устунлигимиз кўл келиши мумкин. Яъни, биз Аргентина ва Испания футболчи хусусида деярли барча нарсани биламиз, улар эса йўқ. Айбан ана шу сирлилик рақибларимиз учун ечиш қийин бўлган жумбоқни юзага келтириши ҳеч гап эмас.

- Дарвозабонлар: №1. Тимур Ганиев («Металлург», Донецк) №12. Игнатий Нестеров («Пахтакор»)
Химоячилар: №2. Шавак Раимқуллов («Трактор») №4. Ярослав Крушельницкий («Пахтакор») №5. Музаффар Холиқов («Қизилқум») №13. Камолдин Тожиев («Пахтакор») №17. Владимир Анкин («Рига», Латвия) №18. Ислом Иномов («Бухоро») №19. Темур Султонов («Навбахор»)
Ярим химоячилар: №3. Рустам Қодиров («Машъал») №6. Жасур Хасанов («Навбахор») №7. Мансур Саидов («Нефтчи») №8. Нодир Қўзиев («Нефтчи») №10. Илёс Зейтуллаев («Овентус») №11. Илдар Магдеев («Пахтакор») №15. Константин Боев («Машъал») №20. Илхом Суёнов («Машъал»)
Ҳужумчилар: №9. Александр Гейнрих (ЦСКА, Москва) №14. Марат Бикмаев («Пахтакор») №16. Бахриддин Ваҳобов («Пахтакор»)
мушарраф бўларимиз. Табиийки, барчани Ўзбекистон терма жамоаси қай таркибда БААга йўл олгани қизиқтиради. Мана, улар:

Футбол

Тўрт легионер ва колганлари ички чемпионатимизда ўзини кўрсатган ўйинчилардан иборат ёшлар терма жамоамиз ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатадиган пайт келди. Рақибларимиз ниҳоятда номдор, аммо бизнинг ёшларимиз ҳам хар жиҳатдан камол топиб бораётган иқтидор эгаларидир. Ахир ҳеч ким беҳудага мамлакат термасига жалб этилмайди! Кези келганда, Виктор Борисовга Германиялик тажрибали мутахассис Юрген Гедде мураббий - консультант сифатида ёрдам беришини алоҳида таъкидлашни истардик.

Хуллас, бизни олдинда йилнинг энг нуфузли мусобақаси кутмоқда. У барча муҳлисларимизга олам-олам қувонч келтиради, деган умиддамиз.



Зиё масканларида

КЎЧМА КУТУБХОНА

Туман марказида жойлашган 36-кутубхона шахобчаси ёнидан ўтарканман, у ерга кириб-чиқаятган катта-ю кичикнинг чехрасидаги мамулилик ҳаёлимни ўзига тортиди. Бейхитёр уша томонга бурилдим. Ичкарида 5-6 қоғди киши кутубхоначи атрафини ўраб олган, бирлари ўқиб бўлган китобини топириш, яна бошқаси китоб олиш билан банд эди. Демак, кутубхонадан биров яхши китоб ўқиб, мириқиб хордик чикарганидан, яна қимдир экиборнинг ширин сўзларидан масрур.

Саккиз йилдан буён шу зиё масканга боғланиб қолганман, - дейди туман босмахонаси иш юритувчиси М.Қўчқорова. - Тадбирларда ҳам бақонидил қатнашаман. Бу ердан истаган китобни топишингиз мумкин. - Мен кўпроқ тарихий-сиёсий китобларга қизиқаман, - дейди китоб жавонларига кўз югуртираётган К.Давронов. - Шуниси маъқулки, кутубхонада ҳамма нарса саранжом-саришта. Бир зумда айтган китобингни топиб беришди. Хохлаган мавзунинг керакли маслаҳат, тавсиялар беришадил...

«Қизларим!...» - дея кутубхонага кириб келди Ҳамза маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Мўйсиналиев экиборнинг китобларга юзланиб, - учинчи бригададагилар айтиб юборишди. Янги китоблардан олиб бораркансизлар. Фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда қизиқарли кўргазмалар, турли мавзуларда сўхбатлар, баҳслар уюштириб турилигани яқинда Ҳамза, Дўстлик, Келачик маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида Мамадали Усмонов, Алжон Султонов, Пулатжон Рустамовлар оиласи билан ажойиб тадбир ўтказилганини айнан шу отахондан эшитдим. - Бу йил Туроб Туланинг 85 йиллигига «Ўзгаллик қуйчи», Пиримқул Қодировнинг 75 йиллигига «Уч илди» асарлари асосида китобхонлар анжумани, «Обод маҳалла йилга бағишлаб «Маҳалла тарбия маскани», «Ватан маҳаллада бошланади», «Маҳалланг - ота-онанг», «Муҳалладасиз биз севган замин»... - кутубхона мудири Гулсарахон Абдумаликова бирма-бир тадбирлар режаси, бақарилган ишлар дастури билан таништирди. - 1940 нафар аҳолига хизмат қиламиз. Китоб фондими 9753 та. Яқинда яна янги китоблар олдик. 750 нафар китобхонимиз бор. Ундан ташқари 3-мактабга таълим мувоасасаси ҳамда Ш.Мирсуптонова номли ширкат ҳўжалиги шийпонда кўча кутубхона ташкил қилганмиз. Кекса, ногирон китобхонларимизга китоб етказиб беришни ҳам едимиздан чикармаймиз. Хуллас, Поп туман марказида жойлашган зиё масканиди бугун ана шунақа гаплар...

Т.ТҲҲИЕВА

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манъази: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.